

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 220 (1009), 2023 йил 22 октябрь, яшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни жонажон юртимизда кенг нишонланаётган кутлуғ айём — Ўзбек тили байрами кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, азалий кадрларимиз гултожи бўлган она тилимиз асрлар синовидан безавол ўтиб келаётган буюк ва бебаҳо маънавий бойлигимиздир.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш масаласини биз миллий ўзлигимизни англаш, миллат руҳини сақлаб қолиш, ёруғ келажакимизни таъминлашнинг энг муҳим омили, деб биламиз. Шу эзу мақсад йўлидаги амалий ҳаракатларимиз тўғрисида жамиятимиз ҳаётида давлат тилининг қўлланиш доираси тобора кенгайиб, у халқ дилининг чинакам кўзгусига айланмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда ўзбек тили нуфузли халқаро анжуманлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилати минбаридан мунтазам янграб келаётгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлаш билан бирга, дунёда она тилимизни ўрганишга интилаётган инсонлар сифини ҳам тобора кенгайтирмоқда.

Хурматли юртодошлар! Бугунги қувончли айёмда жаҳондаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тилининг обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида сўз юритиб, келгусидаги муҳим вазифаларимизни белгилаб олишимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти фаолияти замон талаблари асосида ташкил этилиб, барча соҳаларда давлат тилида иш юритиш сифатини яхшилаш, хусусан, ахборот-коммуникация йўналишида уни фаол қўллаш борасида ижобий натижаларга эриштирилгани таъкидлаш лозим.

Маълумки, ҳар қандай тилни ўрганиш ва ривожлантиришда, биринчи навбатда, унинг назарий-методик асослари катта ўрин тутлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги йилларда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Алишер Навоий луғати”, “Заҳриддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”, “Фалсафа” қомусий луғати, “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”, “Ислом энциклопедияси”, “Маънавият: асосий тушунчалар луғати”, “Педагогика: энциклопедия”, “Тарих атамалари луғати”, “Адабиёт-шунослик луғати”, “Юридик атамалар луғати” каби 40 дан зиёд фундаментал китоблар нашр этилгани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Шулар қаторида ўзбек тилининг электрон миллий корпуси ва дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловаларини яратиш, ўзбек тилини Интернет тармоғида омалаштириш ва муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, давлат тилини ўргатишга ҳамда матн таҳририга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш бўйича ҳам жиддий ишлар олиб борилаётганини қайд этиш зарур.

Мамлакатимизда ўзбек тили ва адабиёти йўналишида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ҳажми ҳамда илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда жами 33 та олийгоҳда ушбу мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Олий таълим муассасаларида 7 минг нафардан зиёд фан номзодлари ва докторлари, профессор-ўқитувчилар ўзбек тили ва адабиётдан дарс бермоқда.

Агар 1992–2012 йилларда, яъни 20 йил мобайнида бу ихтисослик бўйича 730 та илмий иш ҳимоя қилинган бўлса, сўнгги 10 йилда бу рақам 792 тани ташкил этди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўргатиш ва малака ошириш марказида вазирилик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўзбек адабий тили меъёри ва имло қоидалари бўйича мунтазам ўқитилмоқда.

Университетда ташкил этилган “Ўзбек мактаби”да эса юзлаб хорижий фуқаролар она тилимиз ва миллий маданиятимиз асосларини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Бу борада кейинги йилларда нашр этилган ўзбекча-хитойча, ўзбекча-инглизча, ўзбекча-французча, ўзбекча-немецча, ўзбекча-арабча, ўзбекча-форсча луғат ва сўзлашгичлар муҳим роль ўйнамоқда.

Лотин графикаси асосидаги алифбозимизни такомиллаштириш ишлари ҳам давом этмоқда. Ушбу масала юзасидан халқимиз, жамоатчилигимиз томонидан билдирилган барча таклиф ва тавсиялар жиддий ўрганилиб, муҳокамадан ўтганидан сўнг тегишли қонун лойиҳасини яна бир бор кўриб чиқиб, парламентга киритиш мақсада мувофиқдир.

Азиз дўстлар! Биз давлат тили тараққиётини жаҳондаги етакчи хорижий тиллар ва мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг тили ва маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўрамиз.

Бугунги кунда юртимизда таълим 7 тилда олиб борилаётган. Республикаимиздаги мавжуд 1453 та оммавий ахборот воситаси ҳамда юзлаб веб-сайтлар орқали қорақалпоқ, рус,

қозоқ, тожик, туркман, корейс, турк, араб, инглиз, немис ва бошқа тилларда ҳам материаллар эълон қилинмоқда.

Биз Ўзбекистонни тенглик, дўстлик ва бағрикенглик диёрига айлантириш мақсадида турли миллатта мансуб фуқароларимизнинг тил соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Муҳтарам юртодошлар! Ўтган аср бошларида маърифатпарвар жадид боболаримиз “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзуғу ғоя асосида майдонга чиқиб, халқимизни мустақиллик эълонидан халос қилиш, уни замонавий илм-фан, касб-хунар ва маданиятга ошно этиш бўйича улкан ишларни амалга оширган эдилар.

Ана шундай муштарак мақсадлар, умуммиллий бирлик ва аҳиллик бугун биз учун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги ўта кескин ва таҳликали замонда фақатгина шу асосда ўз миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қилишга, жумладан, она тилимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, уни илм-фан, иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, ахборот-коммуникация, дипломатия ва бошқа муҳим йўналишларда таъсирчан мулоқот воситасига айлантириб, тараққиёт суръатларига уйғун ҳолда ривожлантиришга, халқаро нуфузини муносиб даражага кўтаришга эриша оламиз.

Бинобарин, улуг шоиригимиз Эркин Воҳидов айтганидек, “Она тили — умуммиллат мулки. Демак, тил олдидики масъулият ҳам умуммиллий бўлиб, бу ёлғиз тилшуносларнинг эмас, бутун миллатнинг иши” эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу ҳақиқатни чуқур англаб, бу йўлда сидикидидан хизмат қилаётган, ўзбек тилининг ҳақиқий фидойиси ва дўсти бўлган барча заҳматқаш ва жонқур инсонларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Қадрли ватандошлар! Сиз, азизларни, бутун халқимизни 21 октябрь — Ўзбек тили байрами билан яна бир бор самимий кутлаб, барчангизга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-омонлик тилайман. Мана шундай буюк маънавий бойликни яратган халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ



ЎЗБЕК ТИЛИ — МИЛЛАТ БИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида
21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунин муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси вакиллари, турли идора ва ташкилотлар, вазирликларнинг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, олимлар, ёзувчи ва шoirлар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Иштирокчилар дастлаб сарой фойеида ташкил этилган она тилимизнинг нуфузи, ўзбек тилининг маънавий юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларни намойиш этувчи кўргазма билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунин муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригини Президент маслаҳатчиси — спичрайтер Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, она тилимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли тузилма минбаридан янграши ўзбек тилининг дунё миқёсидаги обрўси ва нуфузининг тобора юксалишида, жонажон тилимизни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишида асосий омили бўлмоқда.

Дарҳақиқат, она тилимиз бизнинг борлигимиз, миллат, давлат, ягона халқ сифатидаги бирлигимизнинг ўзига хос кўзгусидир. Мамлакат ҳаётидаги янгилаш жараёнлари она тилимиз ривожига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликда ҳам узининг яққол ифодасини топмоқда. Президентимиз ташаббуси билан она тилимиз ривожига доир миллий қончилигимиз янада такомиллашди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ

ДУНЁ ЭЪТИБОРИ ЯНА ОРОЛ МУАММОСИГА ҚАРАТИЛДИ

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқини газетадан такрор ўқиб, ўқиб жаҳон минбаридан туриб айтилган муаммоларнинг ечимини халқимиз учун нақадар муҳим эканини яна бир қарра теран хис қилдим. Негаки, бугунги глобал ривожланиш даврида оғизбирчиликни сақлаш, инсон қадри ва манфаатларини биринчи ўринга қўйиш ва унга амал қилиш, миллат, дин ва тилни сақлаш тинчлик ва тўғувлик гаровидир.




Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, айниқса, Орол муаммосига кенг ўрин берди. “Кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилди. Бу — дунёдаги ўртача иссиқдан икки қарра кўпдир. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йirik дарё — Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқара-

риши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда”, дея таъкидлар экан, бу Марказий Осиё давлатлари иқтисоди ва халқнинг яшаш шароитларига катта салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини айтиб, дунё ҳамжамияти ва қўшни давлатларни хавфдан огоҳлантирди.

Давоми 3-бетда

Навоий ТИЛИНИНГ ҚУДРАТИ



2020 йил куз фаслининг илк ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 75-сессияси чақирилди. Дунё миқёсида вазият тобора кескинлашиб бораётгани тўғрисида бу нуфузли ташкилотнинг халқаро анжумани онлайн тарзда ўтказилиб, унда Президентимиз БМТ тарихида илк мартаба ўзбек тилида нутқ сўзлади. Бу оламшумул воқеа миллатимиз қалбини чексиз қувонч ва фахру-ифтихор туйғуларига тўлдириб, ўзгача бир ғурур, ўзгача бир сурур бахш этганини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

Давоми 6-бетда



ЙЎЛСОЗЛИК

ИҚТИСОДИЁТ “АРТЕРИЯСИ”

Ибтидоий жамоа тузумидан ижтимоийлашувга ўтгандан бошлаб дунё не-не буюк жаҳонгирлар, шоҳ ва саркардалар, улуг салтанатлар, қудратли давлат ва империяларни кўрмади дейсиз?! Айрим тарихчи ва иқтисодчи мутахассислар фикрича, қадимда йирик салтанатлар иқтисодий таназзулга асосан, урушлар, баъзиларига эса улкан бунёдкорлик ишлари сабаб бўлган.

Биринчи омир, шубҳасиз, асослидир. Бинобарин, тарихдан маълумки, давлатлар ўртасидаги урушлар аксарият ҳолларда узоқ вақт давом этиши ва бир неча юз минглаб аскар иштирок этгани сабабли ҳам иқтисодий жиҳатдан ҳар икки томоннинг тинқасини қуритган. Бунёдкорлик масаласи эса бир оз баҳсли. Чунки ўша давр нуктаи назаридан бу ҳақиқат, қурилишга сарфланган катта миқ-

дордаги олтин кумушлар давлат хазинаси бўлаб қолишига сабаб бўлган. Бошқа томондан, ўша пул эвазига барло этилган масжиду мадрасалар, илм маканларидан дунё илм-фан тамаддунига катта ҳисса қўшган буюк алломалар, олимлар етишиб чиққани, унинг иқтисодий самараси бебаҳодир.

Давоми 4-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИ

ИККИСИНИ БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИГАН ЖИҲАТ НИМАДА?

Таълим сифатини ошириш кўп жиҳатдан ижро интизомига боғлиқ. Қай кўз билан ёки қандай қарич билан ўлчаманг, ҳар қандай масъулиятсизлик замирида ижро интизоми бузилиши ётади ва у, албатта, ўқитиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, ижро интизомини таъминлаш ва мустақамлаш ҳар бир раҳбар ходимнинг биринчи навбатдаги муҳим вазифасидир.

Давоми 5-бетда

ОБОД МАНЗИЛЛАР

ЖИЗЗАХНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИГА АЙЛАНАЁТГАН МАСКАН

Қурилиш ва бунёдкорлик ишларига қаратилаётган юксак эътибор натижасида нафақат Жиззах шаҳри, балки вилоятнинг бошқа шахару қишлоқларининг меъморий қиёфаси ҳам тубдан янгиланиб, гўзал ва обод манзилларга айланмоқда. Янгидан-янги муҳташам ва замонавий турар жойлар, маъмурий ва хизмат кўрсатиш бинолари, ишлаб чиқариш корхоналари, дам олиш масканлари бунёд этилмоқда. Бу, ўз навбатида, одамларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” масивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ, Тошкент — Термиз автомагистрал йўлининг Шароф Рашидов туманидаги Оқтош ота маҳалласидан ўтайдиган қисми ёқасида “Янги Ўзбекистон” масиви бунёд этилаётди. Мазкур жой яқингача дашт эди. Бугун эса осмонўпар биноларга эга замонавий шаҳарча бўй кўрсатяпти. Тез орада бу манзил вилоятнинг энг гавжум ва чиройли манзилларидан бирига айланади.

41,3 гектарда барпо этилаётган масивда 2022-2026 йилларда жами 3040 та хонадонли 64 та, шундан 8 та 16 қаватли, 56 та 9 қаватли уй-жой бўлади. Мазкур лойиҳа доирасида жорий йилда 1120 та хонадонли 14 та уй-жой қурилиши белгиланган.

Барча бинолар инновацион технология, энерготехамкор материаллар асосида бунёд этилмоқда. Биноларнинг ташқи деворига базальт плиталар ёпилиб, томга қуёш панеллари ва қуёш сув иситиш қурилмалари ўрнатилмоқда. Бу уларни узлуқсиз электр энергияси ва иссиқ сув билан таъминлашга хизмат қилади.

Барча биноларда электр энергияси, табиий газ, ичимлик сув ҳамда канализация тармоқлари каби коммунал хизматлар билан боғлиқ масалалар ҳал этилган.

Жумладан, 8,3 километр электр энергияси, 6,4 километр табиий газ, 5 километр ичимлик сув, 7,7 километр оқова сув тармоғи тортилган. Шунингдек, 3,7 километр йўл қурилади. — Айни пайтда масивда 24 та қури-

лиш компаниясининг қурувчилари туну кун меҳнат қиляпти, — дейди Жиззах вилояти Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Бобир Маматов. — Масивда 1650 ўринли мактаб, 300 ўринли давлат мактабга-ча таълим муассасаси, 250 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника, спорт майдончалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 50 гектарли Янги Ўзбекистон боғи каби 30 та объект барпо этилади. Жиззах шаҳрини ушбу массив билан боғловчи янги 4 километрли асосий йўл ва йўл ўтказиш қурилиши ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Ушбу йўл фойдаланишга топширилган, шаҳарнинг Исло-

Каримов кўчаси тўғридан-тўғри М-39 Тошкент — Термиз автомобиль йўлига уланади. Қурилаётган уйларнинг мустаҳкамлиги, зилзилабардошлиги мутахассислар томонидан 7 балли сунъий зилзила яратиш орқали синовдан ўтказилди. Фуқароларимиз энг юқори қаватда ҳам хотиржам яшашлари мумкин.

80 оилага мўлжалланган 16 қаватли кўп хонали уйларнинг дастлабкиси фойдаланишга топширишга тайёр. Ҳар бир хонадон дид билан пардозланган, барча коммуникация тармоқлари тўлиқ ўрнатилган. Қолган 16 қаватли 3 та, 9 қаватли 17 та уй-жойда ҳам қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

“Янги Ўзбекистон” масивидеги барпо этилаётган уйлар марказлашган ҳолда иситилади. Туркия технологияси асосида яратилган қозонхона кўмида ишлайди. У тежамкор ва ҳавони ифлослантириш даражаси ўта паст.

— Мамлакатимизда инсон қадрига эътибор мана шу қурилишлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Имомқул Бердиев. — “Янги Ўзбекистон” масивидеги уйларга кириб кўрдим. Шинам, барча шароитларга эга. Бу ерларда яшайдиган инсонларга ҳавас қилдим. Болалар боғчаси, мактаб, оилавий поликлиника лойиҳалари билан танишдим. Албатта, кўпчилик мана шундай уй-жойларда, яхши шароитларда яшагача интилади. Давлатимиз томонидан уй-жойга муҳтож, шароити оғир фуқароларга 32 миллион сўмдан субсидия берилмоқда.

Масивда хитойлик инвесторлар томонидан инновацион технопарк ва бошқа ишлаб чиқариш объекти ҳам қурилмоқда. Бу ҳудуд аҳолисини иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жиззахда бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” масиви тез орада вилоятнинг ташриф қоғозларидан бирига айланиши шубҳасиз.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ЖОНСАИД ТУРДИЕВ



Мамлакатимиз тоғ-кон санатои оғир жудодликка учради.

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Қолмақир” конида кўп йиллар фидоқорона хизмат қилган моҳир экскаватор машинисти, меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Қаҳрамони Жонсаид Турдиев шу йил 20 октябрда 69 ёшида вафот этди.

Ж.Турдиев 1954 йил 20 июнь кун Тошкент вилоятининг Бўка туманида туғилди. Урта мактабни тугатиб, ҳарбий хизматни ўтагач, Тошкент вилояти, Олмалиқ шахридаги 80-авторхонада ҳайдовчи бўлиб иш бошлади.

1977 йилдан меҳнат фаолиятини Олмалиқ кон-металлургия комбинати тизимида давом эттириб, қарийб ўттиз йил мобайнида “Қолмақир” конида

самарали хизмат қилди, кўплаб шоғирлар тайёрлаб, мамлакатимизнинг тоғ-кон санатои ривожига катта ҳисса қўшди.

Ўз касбининг ҳақиқий жонқуяри бўлган Ж.Турдиев билим ва тажрибаси, меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат, жонажон Ватанимизга муҳаббат сингари юксак инсоний фазилатлари билан нафақат жамоаси, балки кўп миллатли халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Кейинги йилларда жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиб, Олмалиқ шаҳар “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси, фаол тарғиботчи сифатида ҳудудда ислохотларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатди.

Ж.Турдиевнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари юксак эътироф этилиб, у 1998 йилда “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвони ҳамда “Олтин олдуз” медали билан мукофотланган эди.

Мамлакатимиз кон-металлургия соҳасининг таниқли вакили, самимий ва камтарин инсон Жонсаид Турдиевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, З. МИРЗАЕВ, А. ХУРСАНОВ

21 ОКТАБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ



ЎЗБЕК ТИЛИ — МИЛЛАТ БИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Бошланиши 1-бета

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси самарали фаолият олиб бормоқда. Мазкур тузилма она тилимизни кенг тарғиб этиш, ун ўрганиш, ўзбек тили тарғиботи билан боғлиқ барча ишларни самарали йўлга қўйишга оид турли лойиҳалар, китоб ва лугатлар нашри, тил тарғиботи бўйича жонбозлик кўрсатётган устозларни рағбатлантириш юзасидан тизимли ишларни бажармоқда. Барча вазирлик ва идоралар, ташкилотларда иш юритиш жараёни тўлиқ она тилимизда олиб боришмоқда.

Мамлакатимиздаги етакчи илмий муассасалар, марказларда, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўзбек тилини наъни мамлакатимиз, балки дунё миқёсида тарғиб этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Энг асосий, 21 октябр нафақат она тили ва адабиёти муаллимлари ёки ўзбек тилшунослиги олимлари, балки бутун халқимиз яқинлиги, эзу маърифий интилишларининг кўзгусига айланади.

— Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимизда 21 октябр жуда халқона тарзда, ҳақиқий байрам сифатида нишонланмоқда, — деди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир. — Она тилимизни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини одамлар дилдан англамоқда. Давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида бу борадаги масъулиятли вазибалар мужасамдир.

— Ушбу сана кенг миқёсда, тил ва маънавият, адабиёт, китобхонлик байрами сифатида нишонланаётгани қувонарли

— деди пойтахтимиздаги 274-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Лопа Турдиқуллова. — Бу сана она тилимизни асраш йўлида барчамиз бирдек масъул эканимизни англайди. Президентимизнинг байрам муносабати билан йўллаган табригида ҳам бу борадаги вазибалар аниқ белгилаб берилган. Зеро, ҳар биримизнинг ўзимизга, ўзлигимизга бўлган ҳурматимиз тилга бўлган муносабатимиз билан белгиланади.

Тантанали тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур она тилимизга бағишланган янги шеърини ўқиб берди. “Ўзбек тили жиллолари” номли видеоларга орқали она тилимиз ривожини йўлида меҳнат қилган устоз ёзувчи ва шoirлар, санъат даргаларининг ижодидан намуналар акс эттирилди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўзбек тилининг ўз ҳаёти ва тақдирини, ютуқларга эришишдаги аҳамияти ҳусусида сўзлади. Улкан монитор орқали турли мамлакатларда ўзбек тилини тадиқ этаётган олимлар, тилшунос мутахассислар она тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромли муносабатини онлайн тарзда билдирди.

Концертда она тилимизнинг жозибасини кўрсатиб берувчи шеърлар, дилбар куй-қўшиқлар ижро этилди. Чиндан ҳам бу байрам миллийлигимиз, ўзлигимиз, янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг маънавий қиёфаси сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган айёмдир.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ТОМОРҚАЧИЛИК

ҲАМ ИШЛИ БЎЛДИ, ҲАМ ДАРОМАДЛИ

Бугун Сурхондарё вилоятида бўлсангиз, қувонарли бир ҳолатга дуч келасиз. Аввалги йиллар айни кузда воҳа бозорларида бир килограмм помидорнинг баҳоси 10 минг сўмга чиқарди, бодринг, ошқоқ, сабзи ва қарамнинг баҳоси ҳам шу атрофда бўлган. Бу йил эса помидорнинг 5-4 килограмми шу нархда. Бозор расталари бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўлган, нархи ҳам анча арзон. Тўкинлик ва мўл-қўлчиликнинг бош омили воҳада тақрорий экинлар экишга эътибор кучайгани ҳамда ишлашган, деган талабгорларга ер ажратилгани билан изоҳланади, албатта.

Айтиш керакки, сурхондарёлик каттаю кичик миришкор деҳқонлар унумдор ернинг ҳар қаричидан самарали фойдаланиш йўлида бор тажриба ва маҳоратини ишга соляпти. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, экспортбор маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мақсадида ғалладан бўшган дапаларнинг 90 минг гектаридега тақрорий экинлар етиштирилди. Ер, биринчи навбатда, иккимий ҳимояга муҳтож оила вакиллари, ишсиз ўшлар ва хотин-қизларга ажратилди. “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” да турганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳамда иш, ҳам даромадли бўлишига амалий қўмақлаш мақсадида ўртача 25 сотихгача, жами қарийб 10 минг гектар ер бўлиб берилди. Бу тоифадаги фуқаролар овера ва саросон бўлмағилари учун яшаш манзилларига яқин, сув таъминоти қулай унумдор ер 870 нафар ёшга ўртача 35 сотихдан тақсимланган. Бу майдонларда ёшлар ўз имкониятлари ва қарашларидан келиб чиқиб, экин турини ўстиришди. Қимдир мош, бошқаси дон учун маккажўхори, қимдир тарик, яна бирови хўраки лавлага экиди. Хуллас, ажратилган ернинг 150 гектарига мўйли экинлар, 100 гектарига қўрақ, помидор, бодринг, сабзи, хўраки лавлага, 54 гектарга полиз экинлари экилган.

Масалан, тумандаги Яқкатерак маҳалласида яшовчи Жасур Муродов турмуш уртоғи Шохиса Сафарова иккисига берилган 70 сотих ерга тарвуз экиб, 40 миллион сўм даромад олди.

— Пул топаман, рўзгоримни тиклайман, деб анча вақт хориж давлатларида саросону саргардон юрдим. Лекин тузукроқ даромадга эга бўлмадим, — дейди 29 ёшли Жасур Муродов. — Қишлоғимиздаги фермернинг даласидан ишсиз ёшларга ер ажратилишини эшитиб, турмуш ўртомим иккимиз ариза бердик. Кўз тегмасин, даромадимиздан нолимаймиз. Уч ойда неча йилдан бери тополмаган маблагни топганимдан хурсандим. Мухими, деҳқончилик сирларини яхши билиб олдим. Энди “E-auction” танлови орқали 30 йилга ерни ижарага олиб, деҳқончилик қилмоқчиман.

Музаббот туманидаги Алпомиш маҳалласи ҳудудидан 30 нафар ёшга 25-30 сотихдан ер ажратилган экан. Тенгдошлар ўзaro маслаҳатлашиб, ернеқоқ экишибди. Эрта-индин ҳосилни йиғиштириб олишга тайёрларлик кўрмоқда. Маҳсулотларига харидор ҳам тайин эмаш. Қишлоқдаги тадбиркорлар олдиндан бунак пули ҳам ташлаб кетибди. Ер олиб, деҳқончилик қилаётганлардан бири Ойбек Туропов билан сўхбатлашдик.

— 50 сотих ерга таввақал қилиб маккажўхори экандим, — дейди у. — 2,1 тонна маккажўхори донини ситиб олдик. Ҳозир бозорда бир килограмм маккажўхори дони 8 минг сўм. Кўтара савдога килограммини 6 минг сўмдан топширдим. Яна денг, беш тележа маккажўхори поясини чорваси бор фуқаролар ўриб-йиғиб олиб кетди. Қисқаси, 15 миллион сўм даромад қилдим.

Жарқўрган туманидаги Оқтепа маҳалласининг ёши улғайра ҳам, ёшлари ҳам ерни қадрлайдиган ва бир йилда уч мартагача ҳосил ундирадиган уста деҳқонлар. Туман ёшлар ишлари агентлиғи мутахассиси Алишер Чориев бир контурдаги далага бир гуруҳ ёшлар тўлиқ ернеқоқ экишгани ва ҳар йили ёшу қариб бу экиндан катта даромад қилаётганликларини тўқилганини ҳикоя қилди. Ҳамроҳимизнинг айтишича, ёзда туманинг

бир неча ҳудудидаги далалардан кам таъминланган оилалар ишсиз фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари” рўйхатидаги 1685 нафар ўғил-қизга уйларига яқин, сув муаммоси бўлмаган ғалладан бўшган 258 гектар ер ўртача 15 сотихдан бўлиб берилган. Бу далаларда ёшлар кўпроқ ернеқоқ парваришлабди.

— Дустим билан 30 сотих ерда ернеқоқ ўстирдик, — дейди 23 ёшли, ҳам гапга, ҳам ишга чечан Илҳом Тўштемуров. — Ернеқоқнинг харидорни тайин, кейин бир неча йилдан буён шу иш билан шуғулланиб келаётганимиз учун қандай қилиб мўл ҳосил етиштириш сирларини биламиз. Мабодо оёқ тираб сотмоқчи бўлсангиз, май ойига ҳам могорламай тураверадим. Ернеқоқ донининг ўзидан 30 миллион сўм даромад қиламиз, деб қўтлаб турибмиз. Тагин, ернеқоқнинг пояси қўшимча даромад — тойланган бир боғлами 35 минг сўмдан сотилапти.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасидан тақдим этилган маълумотларга таянган бўлсак, ғалла ва бошқа эртак экинлардан бўшган ерларнинг 1855 гектари эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари” рўйхатида турганларга ажратилган бўлиб, бу майдонларнинг 835 гектарига помидор, бодринг, қарам, хўраки лавлага сингари сабзавотлар, 371 гектарга ернеқоқ ва мош, яна шунча ерга бошқа зироат, 278 гектарга тарик экилган. Бу далалардан жами 32 минг тоннадан ортиқ туффа маҳсулот йиғиб олиш кўтиляпти. Бошқача айтганда, ёшларга берилган ердан олинажак 32 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг даромади ишчан ёшларнинг турмушини фаровонлаштиришга сармоа.

Ғалладан бўшган далалар фақат ёшлар ва дафтарларда рўйхатда турганларгагина эмас, аҳолига ҳам тақсимланган. Фермер хўжалиқлари ҳам 30-40 гектарлаб майдонда турли хил экинлар парваришлаётди. Қуз ва қиш ойлари бозорлар

расталарини хилма-хил сабзавот маҳсулотлари билан тўлдириб ҳамда нархини арзонлаштириш ниятида воҳа деҳқонлари 9 минг гектар майдонда сабзи, бир неча навадаги қарам, ҳар хил қўқатлар, турп, шолғом ўстирмоқда.

Мош, нухат ва бошқа дуккакли экинлар бир-икки сугори ҳисобига пишиб этилади ва йиғиб олинган ҳосил иримайди, чиримайди, экспортбон. Айни су таққил ҳозирги шароитда вилоят деҳқонлари кам сув билан мўл ҳосил етиштириш имконини берувчи мошини 36,2 минг гектар майдонда парваришлади. Аҳолининг мош етиштиришга қизиқиши кучайгани бежиз эмас. Чунки Шўрчи, Қўқўрган туманлари деҳқонлари ҳар йили иккинчи экин сифатида экиб, мўмай даромадга эга бўляпти.

Табиийки, шўрчилик ва қумқўрғонлик деҳқонларнинг мош етиштириб, даромадидан уй қуриб, машина сотиб олаётганига бошқалар ҳавас қиляпти. Шунинг учун қўшни туманларнинг фуқаролари ҳам мош етиштиришга жиддий киришган.

Ернеқоқ етиштирган деҳқонга ҳам, қайта ишловчига ҳам сардораманд экан. Хусусан, экспортбонлиги билан барчага манзур. Ернеқоқ етиштирувчилар фақат донингига эмас, поясини ҳам чорвадор хўжалиқлар ва аҳолига сотиб, яхшигина сармоага эга бўляпти. Шунданми, ҳозир воҳанинг барча туманлари аҳолиси 18 минг гектар далада парваришланган ернеқоқ ҳосилни йиғиштирмоқда.

Ноънаввий зироатлардан бири тарик экишга ҳам қизиқувчилар қўнагани бор гап. Тарикни паррандаларга дон сифатида бериб, махсус тегирмонда майдалаб омухта ем ўрнида ҳам фойдаланишмоқда. Айниқса, пояси қорамолга ҳам, қўй-эчкиларга ҳам тўйимли озиқа. Яқин-яқингача тарик фақат Музаббот туманининг Қўнғирот ҳудудидаги далаларда ўстирилди. Бу мавсум воҳанинг барча хўжалиқларида жами 11,7 минг гектар майдонда етиштирилди.

Тақрорий экин эккан фуқароларнинг ҳаммаси ҳам фақат юқори даромад олишни кўзламай, чорвачиликни ривожлантириш, элнинг гўшт, сут, тухумга бўлган эҳтиёжини қондиришни уйлагани аниқ. Шу мақсадда 23,3 минг гектар майдонда хашаки лавлага, силос учун маккажўхори ва бошқа турдаги озиқабот зироатлар устиряпти.

Яна вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасидан берилган маълумотлар таҳлилга қайтамиз: тақрорий экинлар етиштириш учун ажратилган ерлардан 240,7 минг тонна сабзавот, 31 минг тонна полиз экинлари, 69,4 минг тонна дуккакли, 23,6 минг тонна тарик ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш режалаштирилган. Маҳсулотнинг 60,4 минг тоннаси экспортга жўнатилади. Хулоса шуки, нафақат деҳқон қўшимча сармоага эга бўлади, шу билан бирга, вилоят хазинасигада маблаг ҳам қўпаяди.

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ

ДУНЁ ЭЪТИБОРИ ЯНА ОРОЛ МУАММОСИГА ҚАРАТИЛДИ



Кенесбой КАРИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон халқ шоири

Бошланғич 1-бетда

Тўғри, айтилган муаммоларнинг ечимини топиш ва бартараф қилиш бўйича Орол минтақасида қатор ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу эзгу тамойилга асосланган туб ислохотлар Қорақалпоғистоннинг ҳар бир шаҳар ва тумани, қишлоқ ва овули, ҳатто хонадонларига...



вакиллари билан мулоқот қилди, уларнинг талаб ва тақлифларини тинглаб зерикмади, ҳаммасини инобатга олди. Бунинг ортидан халқимиз ҳаёти яхшиланди.

Ушбу даврда Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга қаратилган 30 дан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада ҳудудда тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар ортди, 4,5 миңдан ортиқ инвестиция лойиҳалари ишга туширилди.

Орол тақдирига бефарқ бўлсак, бора-бора бутун ер қуррасига унинг офати етади. Шунинг учун Президентимизнинг саяё-ҳаракати ва халқаро экологик ташкилотлар ёрдамида Орол денгизи акваториясининг жанубий қисмида деярли 1 миллион 700 миң гектар майдонда ҳудудимизни Оролқум ҳамласидан асрайдиган яшил макон барпо этилмоқда. Бугунга келиб, ўрмон ҳўжаликлари томонидан жуда катта майдонда саксовул, черкез, кандим ўсимликларидан иборат ўрмонзорлар барпо этилгани кўччишларига барҳам бермоқда. Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси томонидан эълон қилинган "Ҳар бир оила 5 тадан мевали дарахт ўтказиш" ташаббуси ҳам ўз натижаларини берапти.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил Мўйноқ туманига ташрифи чоғида Орол фожиясидан энг кўп зарар кўрган ҳудуд аҳолисининг сабр-қаноатлилик, меҳнатқашлик хислатларини алоҳида тилга олди. Уларни Мўйноқни ривожлантириш режалари билан таништирди. Шу асосда бу ерда кўп қаватли турар жойлар, инфратузилма объектлари барпо қилинди, йўллар қайтадан асфальтланди, дарахт кўчатлари ўтказилди. Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. "Янги Мўйноқ" шаҳарчасида дастурланган чўқур ўргатишга ихтисослаштирилган инновацион мактаб, болалар мусика ва санъат мактаби каби бир қанча таълим-тарбия муассасалари бунёд этилди. Стадион ҳамда

болалар ва ўсимлар спорт мактаби биноси реконструкция қилинди. Маданий дам олиш маскани, 2 миң томошабинга мўлжалланган амфитеатр, Ёшлар маркази бинолари ҳам шулар жумласидан. Эски аэропорт таъмирланиб, қайта ишга туширилди. Давлатимиз раҳбари топшириғи билан 2019 йилда Оқчи қосмон остидаги кемалар музейи мажмуасида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мажмуа ҳудудида сайёҳларга хизмат кўрсатувчи "Мўйноқ тур" МЧЖга қарашли Миллий ўтовлар кемпинги, оқватланиш ва дам олиш ўринлари ташкил этилган. Худудда Орол денгизи тарихи музейи фаолият юритмоқда.

Бугун Мўйноқ шахрига келган меҳмон унинг яқин ўтмишида қандай кўринишда бўлганини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Замонавий бозор, аэропорт, икки томонга йўл олган гузарлар, қатор кўчалар, олпоқ рангли уйлар ва маъмурий, маърифий иморатлар кўзни қувонтиради.

Орол денгизи қирғоғидаги лойдан оҳақ, қумдан ойна, чиганоқлардан совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда, дарё суви келадиган жойларда қизилмия, денгизнинг шўр сувидан артемия олиш, ош тузи, тоmat настасини тайёрлаш цехлари очилляпти.

"Мустақилликнинг 27 йиллиғи" шаҳарчаси, "Мўйноқ аква санаот" ДУКнинг балиқни қайта ишлаш консерва заводи, "Fumei Group" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг қамишдан ДСП ишлаб чиқариш заводлари ва бошқалар ана шу нури тонларга қўйилган тамал тошларидир.

Президентимиз жорий йилнинг март ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида санаотни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш

Иккинчи ташаббус бўйича эса Қорақалпоғистондаги 47 миң уй-жой ва кўчмас мулкларга кадастр қилиб берилляпти. Натижада аҳолида ипотека олиш, томорқасида деҳқончилик қилиш учун кредит, субсидия олиш, яшаётган бошпанасини фарзандларига мерос қолдириш имконияти туғилди.

Учинчи ташаббус бўйича эса Қорақалпоғистонда йилига 6,5-7 миңга уй-жойга талаб борлиғи ҳисобга олиниб, аҳоли ва янги оилалар учун замонавий лойиҳа асосида 4 миң якка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилиб, инфратузилма тизими ҳам яратилляпти. Яъни жорий йилда ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп ёки 4 миңга уй-жой қурилади.

Президентимизнинг 2023 йил 28 июлдаги "Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмоний шахслар томонидан қурилган уй-жойларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фуқароларнинг ҳуқуқ белгилловчи ҳужжатларсиз қурилган уй-жойлари жойлашган ер участкасига ижара ҳуқуқи, унда жойлашган бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқи эътироф этилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон инвестициялар, санаот ва савдо вазирлиги бошчилигидаги ҳамда тармоқ бирлашмалари, тижорат банклари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасининг экспорт, инвестициявий ва санаот салоҳиятини юксалтиришга қаратилган навбатдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича иш олиб борапти. Ана шу мақсадда Мўйноқ, Кўнғирот, Қонлиқўл, Шуманай ва Ҳўжайли туманларидаги бир қатор йирик санаот корхоналарига ташриф буюрилиб, лойиҳа ташаббускорлари билан учрашувлар ўтказилди ҳамда тадбиркорларни қийнаб келаётган масалалар ва ишлаб чиқариш қувватларини янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Президентимиз ташаббусига кўра, келгуси етти йилда Қорақалпоғистонда амалга ошириладиган бир қатор режалар қаторида қорақалпоқ мумтоз адабиётининг забардаст вакили Ажиниёз Қўсибой ўғлининг 200 йиллиғи муносабати билан маънавият ва адабиёт байрамини ўтказиш, Мўйноқ туманида Ажиниёз номдаги экопарк барпо қилиш, Қорақалпоғистонда агротехнологиялар ва муҳандислик йўналишларида етакчи хорижий олий таълим муассасалари филиаллари ҳамда Нукусда рақамли технологиялар институтини очиш режалаштирилган. Келгуси йилдан бошлаб эса Оролга яқин жойлашган Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзақ, Бўзатов, Шуманай, Кўнғирот туманларида фаолият юритаётган тиббиёт соҳаси ходимлари иш ҳақиға 200 фоизлик

Президентимизнинг 2023 йил 28 июлдаги "Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмоний шахслар томонидан қурилган уй-жойларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фуқароларнинг ҳуқуқ белгилловчи ҳужжатларсиз қурилган уй-жойлари жойлашган ер участкасига ижара ҳуқуқи, унда жойлашган бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқи эътироф этилади.



масалалари бўйича йиғилиш ўтказганида аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган 3 та янги ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус доирасида Қорақалпоғистондаги 452 маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан кўшимча маблағ берилиши кўзда тутилди ва маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга 250 миллиард сўм ажратилди.

устама тўлаш, Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган барча замонавий тиббий хизматларни келгуси йилларда Нукус шаҳрида ҳам йўлга қўйиш сингари фахрланишга арзигулик ишларнинг амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида билдирган тақлиф ҳамда ташаббуслари Марказий Осиё минтақаси учун муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

БУГУННИНГ ГАПИ

ДЎСТЛИК ВА ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР

МДҲ ДАВЛАТЛАРИНИ ЯНА БИР МАЙДОНДА БИРЛАШТИРДИ

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты



Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида доим муҳим ўрин тутувчи мамлакатлардан бири бўлиб келган. Бу асосан, савдо-иқтисодий алоқаларда кўзга ташланган бўлса, охириги йилларга келиб, минтақа давлатлари билан ҳамкорлик мутлақо янги босқичга чиқди. Энди бизни аҳил кўнничилик муносабатлари ҳам бирлаштиради. Узоқ йиллар давомида ёпиқ турган чегаралар очилиши, иқтисодий, ўзаро савдо,

маданий-маърифий, хуллас, барча соҳалардаги ҳамкорлик халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш баробарида, умумиқтисодий ўсишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Муносабатлар нафақат иқтисодий манфаатдорлик, балки ўзаро ишонч, дўстлик, яқдилликка асосланган бўлиши мумкин. Минтақа давлатлари умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, барча масалада бир-бирини қўллаб-қувватлаш орқали янада ривожланишга интиляпти. Бу жараёнларда эса Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон МДҲ тармоқлар бўйича ҳамкорлигининг 24 та органига қўшилди, 65 та тузилмаси фаолиятда тўлиқ иштирок этмоқда. Ушбу даврда давлатимиз раҳбари томонидан кўплаб муҳим йўналишлар юзасидан қарийб 70 та ташаббус илгари сурилди. Уларнинг аксарияти Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, амалга татбиқ этилмоқда. Жорий йилнинг 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳам Президентимиз илгари сурган амалий тақлиф ва ташаббуслар етакчи сиёсатчилар, экспертлар томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланганга гувоҳ бўлдик.

Айтиш жоизки, МДҲ Ўзбекистон учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишининг гоят муҳим институти ҳисобланади. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг

Раислик давомида COVID-19 пандемияси чекловларига қарамай, 50 дан ортиқ тадбир, онлайн мажлислар ўтказилган. Ил давомида Ўзбекистон БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги турли тадбирларда МДҲ вакили сифатида иштирок этди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йил ноябрь ойида БМТ ва МДҲ



ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги резолюцияси ташаббуси илгари сурилди, ушбу ҳужжатнинг бир овоздан қабул қилиниши таъминланди.

Ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва лойиҳаларни илгари суриш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда МДҲ мамлакатларининг Санаот кооперацияси ва инновацион ишланмалари форумини ўтказиш ташаббуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Гап шундаки, бугун дунёда ҳар бир соҳага инновациялар кириб келар экан, улар ўзаро тажриба алмашувисиз мустақил ривожланиши қийин. Шу маънода, бу ташаббус тўлиқ ўзини оқлайди, деб айта оламиз.

доимий шериклари, қўшнилари ва дўстларидир. Шу боис, юртимиз ўзаро муносабатларда ҳамisha катъий, собит туришга интилади, манфаатли ҳамкорликни илгари сурлади.

Мамлакатимиз 2020 йилда МДҲга раислик қилган даврини ёдга олайлик. Ушунда бу масъулятилик вазифа давлатимизнинг имижига ва обрўсини янада мустаҳкамлаш баробарида, ишончли халқаро шерик сифатида юқори салоҳиятини намойён этган, МДҲ макомини мустаҳкамлашга ҳам катта ҳисса қўшган эди.

Бишкек шаҳрида ўтган саммит ҳам янги ташаббусларга бой бўлганини кузатдик. Учрашув асосий натижаларни сарҳисоб қилиш ва Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигининг кейинги режаларини белгилаб олиш имконини берди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ҳар гапгидек қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. МДҲдек ноёб платформани ишга солиш муҳимлигини қайд этиб, унга аъзо мамлакатларнинг етакчи таҳлил марказлари ва экспертлари конференциясини ташкил этиш тақлифини билдирди.

Шунингдек, юртимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш муҳимлигига эътибор қаратди. Бу борада тегишли шартнома қондаларини қайта кўриб чиқишни тақлиф этиб, бунда давр ўтиши билан эскирган ва ҳозирги кунга мослаштириш зарур бўлган жиҳатлар бўйича бешта тақлиф берди.

Бўлар ичида электрон савдонини ривожлантириш, бундай платформаларни кенгайтиришга алоҳида тўхталиб ўтилди. Эътибор қиладиган бўлсак, агар мана шу тақлиф амалга ошадиган бўлса, мамлакатларимиз аҳолиси, тадбиркорларимиз, компаниялар учун қулайликлар яратилиб, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар, рақобат кучади ҳамда аҳоли турмуши фаровонлиги орттишига ҳисса қўшади, савдо тўсиқлари камаяди.

Ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва лойиҳаларни илгари суриш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда МДҲ мамлакатларининг Санаот кооперацияси ва инновацион ишланмалари форумини ўтказиш ташаббуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Гап шундаки, бугун дунёда ҳар бир соҳага инновациялар кириб келар экан, улар ўзаро тажриба алмашувисиз мустақил ривожланиши қийин. Шу маънода, бу ташаббус тўлиқ ўзини оқлайди, деб айта оламиз.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида гуманитар соҳаларга алоҳида тўхтади. 2024 йилда Ҳамдўстликнинг маданий пойтахти деб эълон қилинган Самарқанд шаҳрида МДҲ маданият, санъат ва кино ҳафталигини ўтказишни тақлиф қилди. Ушбу ташаббус халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни кучайтириш, гуманитар соҳа ривожига алоҳида аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирларни амалга оширишга асос бўлади. Келгуси йилда МДҲнинг Ёшлар пойтахти макомини олган Тошкент шаҳрида қатор тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Таълим соҳаси ва сайёҳлик алмашувини ривожлантириш йўналишлари ҳам эътибордан четда қолмади, улар



бўйича муҳим тақлифлар илгари сурилди.

Асосийси, Президентимиз билдирган ташаббуслар ҳаётга фаол татбиқ этилиб, минтақа давлатларининг ҳар соҳада ривожланишига хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда эришилган натижалар, ўши кўрсаткичлари буни тасдиқлайди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида Ўзбекистон Президентининг дўстлик, яшиш қўшчилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — МДҲ Фахрий нишонини билан мукофотланиши ҳам бу борадаги ишларнинг ҳақиқий ва муносиб эътирофидир.

Зеро, Ўзбекистон Президентининг МДҲ саммитидаги нутқи кўплаб эзгу мақсадларни кўзлагани билан тарихий аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги зиддиятчи ва мураккаб геосийосий вазият, дунёнинг баъзи мамлакатлари дуч келаётган кескинликлар фониди МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ва кўп томонлама ҳамкорлик минтақамиз, хусусан, Ўзбекистон учун тинч ва барқарор ривожланишда ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Илгари сурилган ташаббуслар эса МДҲ макониди инқироздан кейинги даврда барқарор ривожланиш учун аъзо давлатларнинг улкан салоҳиятидан тўла фойдаланиш, саяё-ҳаракатларни бирлаштириш имконини беради.



ЙЎЛСОЗЛИК

ИҚТИСОДИЁТ “АРТЕРИЯСИ”

“ Наманганда умумий ҳисобда 14 минг 11 километр автомобиль йўли мавжуд, бунинг 3 минг 377 километри умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари эса 10 минг 634 километрни ташкил этади.

Акрамжон ҲАМДАМОВ, Наманган вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси мудири

Бошланиши 1-бета

Ушбу ҳолатнинг бугунги кун билан фарқи шундаки, у пайтлардаги ислохот самараси ўша давр цивилизацияси нуқтаи назаридан узоқ вақт талаб этган.

Бугунги кунга келиб иккинчи омилининг аҳамияти тамоман аниқ бўлди. Яъни бунёдкорлик ишлари, хоҳ у ишлаб чиқариш корхонаси ёки иқтисодий соҳа объекти бўлсин, хоҳ уй-жой ёки йўл қурилиши бўлсин, иқтисодий жиҳатдан манфаат келтиради. Буни дунё миқёсида, айтилик, Дубайни туризм ва бизнес марказига айлантириш, мамлакатимиз мисолида эса барча соҳа ва тармоқлардаги янгиланишларда кўриш мумкин.

Биргина йўлсозлик йўналишини олайлик. Маълумотларга кўра, сўнгги 6 йилда юртимизда йўл қуриш ва таъмирлашга ажратилган маблағ миқдори 3 қарра ошган. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидagi корхоналарга 2 мингдан зиёд махсус техника харид қилинган. Булар оралиги 65 минг километр йўл қурилган ва таъмирланган.

Утган йилдан “Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида ички кўчалар аҳоли тақлифлари асосида қурилиб, таъмирланадиган тизим жорий қилинди. Шу йилнинг ўзида юртимиздаги 470 та маҳалланинг ички йўллари учун 410 мил-

лиард сўм йўналтирилиб, 3 миллион 600 минг юрtdошимизнинг мушқули осон бўлган.

Умуман олганда, 3 мингга яқин маҳалла йўлига илк бор асфальт ётқизибли, яна 2 мингта маҳалладаги тулпор йўл шағал қопламаса Утказилган. Йўл қурилишига сарфланаётган маблағ миқдори аниқ, лекин унинг иқтисодий самараси қаерда, дейишингиз мумкин. Бирор ишга йўналтирилган маблағдан фойда кўриш ҳар доим ҳам бевосита бўлавермайди, бошқача айтганда, билвосита фойда кўриш ҳам бор. Шу жумладан, йўл қурилишида.

Масалан, Сурхондарё вилоятида халқаро аҳамиятга эга М39 ва М41 автомагистралларини қисқа масофада бирлаштирувчи 111 километр йўлни реконструкция қилиш лойиҳасини олайлик. Ушбу лойиҳа воҳадан Тошкент шаҳрига қатновни амалга ошираётган халқаро ва маҳаллий автоташувчилар учун мавжуд 298 километр автомобиль йўлини 146 километр қисқартиришга хизмат қилади. Бошқача айтганда, ҳайдовчи ва йўловчи ушбу йўлдан юриш оралиги аввалги 298 километр ўрнига 152 километр масофани босиб ўтади.

Энди бунинг иқтисодий жиҳатига тўхталсак. Ушбу йўлдан ҳар дақиқада шартли равишда 10 та автомобиль

қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланади ва ҳар бирида 4 нафардан одам бор, деб ҳисобласак, ундан бир кунда 14 мингдан ортиқ автотранспортдан 57 мингдан зиёд йўловчи фойдаланиши аён бўлади. Қисқараётган 146 километр йўл учун сарфланадиган ўртача вақт 1,5 соат, ёқилғи эса 10 литр деб олсак, кунлик йўловчиларнинг умумий ҳисобда 86 минг 400 соат вақти тежалди. Шу билан бирга, 144 минг литр бензин иқтисод қилиниши эвазига ҳайдовчиларнинг 860 миллион сўмдан ортиқ маблағи ёнига қолади.

Бу биргина ушбу лойиҳанинг бир кунлик иқтисодий фойдали жиҳати. Бошқа жиҳатлари ва, умуман, ойлик, йиллик иқтисодий самарани ҳисоблайдиган бўлсак, рақамлар оддий калькуляторга сиғмай қолади. Ички йўллар ҳақида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин.



Шу боис, кейинги йилларда йўл қурилиши соҳасига алоҳида эътибор қаратиш керак. Наманган вилоятида мавжуд йўлларда ҳам кенг қўламли қурилиш таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Наманганда умумий ҳисобда 14 минг 11 километр автомобиль йўли мавжуд,

бунинг 3 минг 377 километри умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари эса 10 минг 634 километрни ташкил этади.

Албатта, бу йўлларнинг барчаси ҳам раво эмас. Қолаверса, аскар йўллар

“ Вилоят миқёсида йўл инфратузилмасини яхшилаш учун 123 миллиард сўмга 216,5 километр йўлни асфальтлаш режалаштирилган бўлиб, бугунгача 119,3 километр ички йўлда таъмирлаш тўлиқ якунланди.

серкатновлиги боис, мунтазам таъмирни талаб этади. Жорий йил бошида вилоятда қарий 5 минг 352 километр йўл таъмирталаб, деб топилган. Бунда аҳоли мурожаатлари инobatта олинган ва улар асосида лойиҳалар йиғма параметрлари ишлаб чиқилган. Шу асосда йил бошидан буён вилоятдаги 130 та маҳалла ва 146 та объектада 420 километр ички йўл таъмирланган.

Шунингдек, вилоят миқёсида йўл инфратузилмасини яхшилаш учун 123 миллиард сўмга 216,5 километр йўлни асфальтлаш режалаштирилган бўлиб, бугунгача 119,3 километр ички йўлда таъмирлаш тўлиқ якунланди.

180 километр цемент-бетон қопламали ички йўллар қуриш ҳам режалаштирилган эди. Бу борада “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачилигида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 51,8 миллиард сўм эвазига 72 километр ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги “Ягона буюртмачи инженеринг компанияси” буюртмачилигида 56,6 миллиард сўм қўшимча маблағ ҳисобидан 92,2 километр, “Автоўйливест” агентлиги буюртмачилигида эса халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 31,4 миллиард сўмга 15,8 километр цемент-бетон қопламали ички йўл қуриш белгиланган. Бугунга қадар “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачилиги асосида 91,1 километр цемент-бетон қопламали ички йўл қурилди.

Цемент-бетон қопламали йўлларнинг афзаллиги нимада?

Бу турдаги йўл асфальт қопламалиларга нисбатан мустаҳкам бўлиб, 15 йилгача фойдаланиш мумкин. Қолаверса,

йилнинг ҳар қандай мавсумида 5 даража иссиқдан юқори ҳароратда бетон қопламали йўлларни қуриш имконияти бор. Ҳар қандай асос устига ётқизишли мумкинлиги, тунги вақтда йўл сирти қўрилиши яхши бўлиши ҳам бундай йўлларнинг энг афзал жиҳатларидан.

Давлатимиз раҳбари шу йил 12 сентябрь кунини йўл ҳўжалиги зиммасида ислохот қилиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда соҳада кўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда тизимли муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратди.

Президентимиз автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва сақлаш борасида асосий камчиликларни келтириб ўтар экан, “Сифатли йўл одамларнинг ҳўжалиги ва иқтисодийми “артерияси” ҳисобланади. Шу боис, йўл қурилишига янгича ёндашувларни жорий қилиб, сифатни ошириш, соҳани рақамлаштириш ва ҳууссий секторни кенг жалб қилиш керак”, деди.

Дарҳақиқат, вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси зиммасида автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар қуриш, сақлаш, давлат аҳамиятидаги йўлларни қуз-қуш мавсумида қордан тазолаш ва улар четига экилган дарахт ҳамда кўчаларни сақлаш вази-фалари бор. Бош бошқарма 2030 йилгача жами 4 минг 560 километр зиёд ички йўлни таъмирлашни режалаштирган.

Айни кунларда Наманган шаҳри таркибидаги Янги Наманган туманининг шимол-ий айланма — 4Р-117 автомобиль йўлининг 27-29-километрлари капитал таъмирланяпти. Бунгача йўлнинг ушбу қисмидаги носозлик ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Лойиҳа ниҳоясига етган, худуддаги инфратузилма яхшиланиб, умумий транспорт тизими учун қўлайлик яратилади.

Йўл қопламаси таъмирланади, бу эса йўловчиларнинг раво ва мустаҳкам йўлдан фойдаланишига имконияти яратди. Уз навбатда, дренаж тизими яхшиланади. Сув тўпланишининг олдини олиш ва кучли ёғингарчилик пайтида йўлнинг шикастланиш хавфини камайтириш учун янги лотоклар ўрнатилади. Йўл ҳаракати бошқарвини яхшилаш ва ҳайдовчилар хавфсизлигини таъминлаш учун керакли жойларга нур қайтарувчи йўл белгилари ўрнатилади.

Шунингдек, Давлатобод туманидаги Галаба кўчасида ҳам йўллар замонавий талаблар асосида янгиланиб бериляпти. Дастур асосидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида бу кўча аҳоли вақти ва маблағини тежаш билан бирга, худудда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ



ЧИҚИНДИДАН ҚУВУР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Амударёлик Азамат Мамбетов олдин автоуловда вилоятларга юк таширди. Туман кўчаларининг пластмасса идиш ва қоғоз чиқиндиларга тўлиб ётганини кўриб, унда янги гоё пайдо бўлди. Ўша чиқиндиларга иккинчи хаёт бериш мақсадида кичик саноат зонасида тадбиркорлик субъекти ташкил этиб, аҳолидан пластмасса идишлар ва қоғозлар сотиб ола бошлади. Ўз маблағи ҳисобидан ускуна харид қилиб, маҳсулотларни преслаб, қайта ишлаш цехларига жўнатишни йўлга қўйди.

— Яқин келажақда пластмасса идишлардан қувурлар ишлаб чиқаришни режа қилганимиз, — дейди “Чистый мир” корхонаси раҳбари Азамат Мамбетов. — Айни пайтда 4 кишини доимий иш билан банд қилдим. Сўнгги пайтларда кўчаларда ташлаб юборилган пластмасса идиш ва қоғозларни учратмайсиз.

Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси ўсиши худудлар ривожига, аҳоли даромадлари барқарорлашишига, энг муҳими, ишсизлик камайишига асос бўлади. Тадбиркорликка берилаётган эътибор сабаб бугун ташкил этилаётган корхоналар, айниқса, саноат тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ўстириш, ички бозорни миллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш тақозо этилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 6 мартдаги “Қорақалпоғистон Республикасида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Амударё, Беруний, Чимбой, Тахياتош, Хўжайли, Қўнғирот, Мўйноқ, Қўнликўл, Қорауаз, Тахтақўпир, Шуманай, Элликқалъа, Бузатов, Нукус, Кегейли, Тўрткўл туманлари ва Нукус шаҳрида кичик саноат зоналари ташкил этилган.

— Бугунги кунга келиб 31 та кичик саноат зонасига 234,6 гектар ер майдони ажратилган. Кичик саноат зоналарида 807 та лот мавжуд бўлиб,

уларнинг 309 таси тадбиркорлар хизматида, қолган 498 таси электрон он-лайн-аукционга қарши учун Қурилиш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасига берилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси кичик ва ёшлар саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси раҳбари Бахтиёр Муротов. — Қорақалпоғистон Республикаси махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши томонидан кичик саноат зоналаридаги 125 та лойиҳа учун тадбиркорлик субъектларига 382,9 миллиард сўм ажратилган. Айни пайтгача лойиҳаларнинг 103 таси амалга оширилиб, 22 таси бўйича ишлар олиб бориляпти. Энг муҳими, 2228 та янги иш ўрни яратилган.

Амударё тумани кичик саноат зонасида 68 та лот мавжуд. Уларнинг 48 таси тадбиркорларга ажратиб берилган. 20 та лот кейинги танловларга қўйилган. Мазкур кичик саноат зонасига импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи 8 та лойиҳа жойлаштирилиши натижасида 189 фуқаро ишли бўлди.

— Биз, асосан, темир эшик, дарвоза, ҳар хил панжара ва иситиш қозонлари ишлаб чиқарамиз. Утган йили 100 миллион сўм кредит ҳисобига корхонани кенгайтирдик. Темир буюмлар ишлаб чиқарувчи ускуналар харид қилдик, — дейди “Жумамурод уста” корхонаси раҳбари Жасур Бобононов. — Маҳсулотларимиз ички бозордан ортамапти.

Тадбиркорнинг келажақ режалари билан қизиқганимизда, имконияти бўлса, 500 миллион сўм кредит олиб, фаолиятини янада кенгайтириш нияти борлигини айтди. Шунингдек, ўзлари ясаётган иситиш қозонлари учун сертификат олиш арасида экан.

— Мен ушбу корхонада 2013 йилдан буён пайвандчи бўлиб ишлайман. Ойлик маошим 5-6 миллион сўм атрофида, — дейди Хайрулло Дўсманов. — Эл учун зарур буюмлар ишлаб чиқараётганимдан фахрланаман.

Амударё тумани кичик саноат зонасида 13 сотих жойда мебель чеҳи очган Нурбек Холбоев дастлаб оила аъзолари билан уйда жиҳоз ясарди. Бугунги кунда “Холбоев Мадрей” корхонаси усталари томонидан дид билан ишланган диван, ўриндик, стол-стул, болалар қаравоти сингари мебеллар жуда харидорлар. Мебель ишлаб чиқариш учун зарур ускуналарни ўз маблағи ҳисобидан харид қилган. Замонавий услубда ясалган мебеллар ички бозорда талабдир.

— Корхонамиз 2016 йилдан буён Амударё тумани кичик саноат зонасидаги 47 сотих жойни ноъл харид қийматида олиб, фаолиятини давом эттириб келмоқда, — дейди “Al kofil biznes plast” корхонаси иш юритувчиси Аллаберган Эрназаров. — Асосан, грануладан маийий идишлар ишлаб чиқариб, маҳсулотларимизни

Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги мижозларга етказиб бermoқдамиз. Шу билан бирга, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт ҳам қилаямиз. Йиллик соф даромадимиз 702 миллион сўм. Яқин кунларда махсулот турини қўлайитириш учун янги ускуналар харид қиламиз. Корхонада 10 киши доимий иш билан банд.

2023 йил январь-июль ойларида Қорақалпоғистон кичик саноат зоналари худудида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 триллион сўмни ташкил этди. Таҳлил қилинаётган даврда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилдагига нисбатан 11,4 фоиз ошди. Жорий йилнинг январь-июль ойларида худудда 1,4 триллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди.

2023 йил январь-июль ойларида янги ташкил этилган кичик корхоналар сони сезиларли даражада кўпайди. 2022 йилда 2227 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилган бўлса, жорий даврда бу кўрсаткич 65,8 фоиз ўсди.

Беруний туманининг Жайхун маҳалласида жойлашган эски пахта тазолаш заводи худудидаги 7,2 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил қилинган эди. У 49 та лотга ажратилиб, 44 таси 26 та тадбиркорга берилди ва бугунги кунда қурилиш ишлари олиб боришмоқда.

“ Кичик саноат зонасидаги “Нукус агро сити” корхонаси томонидан импорт ўрнини босувчи полипропилен ва поливинилхлорид қувурлар ва ванна ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. “Супер степ” корхонаси эса асбест ғишт, лок-буёқ ва бетон маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Айни пайтда мазкур кичик саноат зонасида 28 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 390 та иш ўрни очилиши кўзда тутилган. Бу ерда пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган “Жайхун омад шомоли” корхонаси лойиҳасига 2 миллиард сўм сарфлади. Бугунги кунда цехда кўчат учун ойига 1 миллионта махсулот идиш тайёрланмоқда.

— Кўчат учун идишлар тайёрлашдан асосий мақсад иссиқхона билан шуғулланаётган юрtdошларимизнинг ишини янада энгиллаштириш, — дейди тадбиркор Жўрабек Алимов. — Яқин кунларда буюртма асосида Қорақалпоғистоннинг барча туманларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шунингдек, бошқа турдаги пластик идишлар тайёрлаш ҳам режамизда бор.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 22 апрелдаги “Ёшлар саноати ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Навоий овул фуқаролар йиғини худудида 6,5 гектарда “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси” ташкил қилинди.

Ҳозир мавжуд 80 та лотнинг 9 таси тадбиркорлар томонидан аукцион орқали ютиб олинган ҳамда ёшлар ва кичик саноат зоналари дирекцияси билан шартномалар тузилмоқда.

Хўжайли тумани кичик саноат зонасидаги 45 та лотдан 18 таси тадбиркорларга ажратиб берилган. 8,3

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ИЖРО ИНТИЗОМИ

ИККИСИНИ БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИГАН ЖИХАТ НИМАДА?

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

“ОТМларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси назорати билан шуғулланувчи мутахассисларни қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш ёки “ijro.gov.uz”да ишлаш бўйича малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, мазкур таклиф ва мулоҳазалар олий таълимда ижро интизоми мустақамлашга хизмат қилади.

Бошланғичи 1-бетда

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва 2021 йил 31

Мазкур имконият ва қулайликлардан самарали фойдаланиш учун Тошкент молия институтининг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Ижро интизомини ўрганиб бориш билан институтнинг мониторинг ва ички назорат бўлими шуғулланыпти. Бўлим тахли-



бериш тўғрисидаги мурожаатлар ва бошқа асословчи ҳужжатлар айланади.

Институтда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда ҳужжатларнинг “ijro.gov.uz” тизимида айланиш тартиби йўлга қўйилган. Унга қўра, ижро мақсадида келиб тушган ҳужжатлар ва топшириқлар институт девонхонасида рўйхатга олинади. Сўнг ректорнинг масъул ёрдамчилари ижро учун келиб тушган топшириқ ёки қонунчилик ҳужжатларига масъул ходим ва бажаруш мuddатини белгилаб, “ijro.gov.uz” тизими орқали тегишли шахсларга жўнатади. Ўз навбатида, масъуллар “ijro.gov.uz” тизими орқали келиб тушган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни белгиланган тартибда бажаради.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз мuddатида ҳамда сифатли бажарилгани мониторинг ва ички назорат бўлими мутахассислари томонидан ўрганилади. Асосли ва ўз мuddатида бажарилган ижро ҳужжатлари ёки топшириқлар назорат рўйхатидан чиқарилади. Институтда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва мувофиқ, 2021 йилнинг апрелидан 2023 йилнинг 20 майгача бўлган даврда жисмоний ва юридик шахсларнинг 450 дан зиёд мурожаати “ijro.gov.uz” тизими орқали

ўрганилди. Бу мuddатда институтга ёзма, виртуал ва озаки шаклда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан диплом олиш, ўқишни қўчириш, тўлов-контракт ҳақида маълумот сураш, молиявий масалалар, ўқишни қўчириш кабилар бўйича мурожаатлар келиб тушган ҳамда уларга қонунчилик меъёрларига мувофиқ жавоб берилган.

Институтда 2021 йил 1 апрелдан mf.ijro.uz ижро интизоми идоралараро электрон тизимидан фойдаланилган бўлса, 2023 йил 1 майдан бошлаб edo.ijro.uz тизимидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Фирқимизча, олий таълим тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси тахлифи натижаларидан қатор таклиф ва хулосалар шакллантириш мумкин. Жумладан, олий таълим муассасаларида белгиланган мuddатда Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда “UNICON.UZ” фан-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда “ijro.gov.uz” тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича семинар-тренинглр, давра суҳбатлари ва амалий конференциялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 октябрдаги Давлат органлари ва ташкилотларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низоми амалиётга жорий этилишига қарамай, бугун олий таълим муассасаларида мурожаатлар билан ишловчи ходимлар малакасини ошириш даражаси суст. Бизнингча, олий таълим тизимида мурожаатлар билан ишловчи ходимлар малакасини ошириш бўйича ишлар натижадорлигини кучайтириш зарурати мавжуд.

Ҳозир ОТМларда мазкур йўналишда фаолият юритувчи кадрларнинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг раҳбар ходимлар малакасини ошириш ҳамда давлат тилида иш юритиш ҳужжатлари билан ишлаш курсларида малака ошириш тизими йўлга қўйилган. Бироқ айнан ижро интизоми таъминлаш масаласида малака ошириш тизими жорий этилмаган. Шу боис, ОТМларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси назорати билан шуғулланувчи мутахассисларни қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш ёки “ijro.gov.uz”да ишлаш бўйича малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, мазкур таклиф ва мулоҳазалар олий таълимда ижро интизоми мустақамлашга хизмат қилади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН – ЭРОН: ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР СОҲАСИДАГИ МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК

Дилшода ҲОЖИМУРОВОВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Президентимизнинг 2023 йил июнь ойида Эрон Ислום Республикасига расмий ташрифи доирасида эришилган келишувларга биноан Тошкентда Эрон инновациялар ва технологиялар уйи очилди. Бу икки давлат ўртасида илмий асосланган янги технологияларни Ўзбекистонга олиб кириш жараёнини осонлаштириш учун ишлаб чиқилган халқаро дастурнинг бир қисмидир.



Шунингдек, куни кеча Эрон Ислום Республикасининг Илм-фан, технологиялар ва билимга асосланган иқтисодиёт бўйича вице-президенти Руҳуллоҳ Деҳқоний-Ферузободий бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди. “InnoWeek — 2023” халқаро инновацион форумда эса эронлик тадбиркорлар, илм-фан вакиллари ҳамда 100 дан зиёд компания аъзолари иштирок этгани халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган муҳим тадбирлардан бўлди.

Эрон олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари Яқин ва Урта Шарқ минтақасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Шу маънода, эронлик ҳамкорлар билан ташриф доирасидаги музокаралар икки давлат ўртасида илм-фан соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун янги имкониятлар очади.

Бу давлат олий ўқув ва илмий тадқиқот муассасалари билан таълим, фан ва инновациялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, форс тили бўйича фан дастурлари, ўқув адабиётлари яратиш, замонавий технологиялар асосида форс тилини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, педагоглар учун ўқув семинарлари, малака ошириш курслари ташкил этиш, илмий-тадқиқот марказлари билан лойиҳаларни бажариш, таржиманунослик, тарихий ва адабий манбашунослик, туризм каби соҳаларда кадрлар тайёрлаш вазифаси турибди.

Мамлакат таълим тизими сўнгги йилларда жадал суръатда ривожланаётгани кузатиш мумкин. Мактабга таълимдан тортиб, олий таълимгача бўлган барча босқичда ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, замонавий талабаларга жавоб берадиган инновацион таълим тизимини яратишга катта эътибор қаратилгани мамлакатнинг барқарор ривожига хизмат қилмоқда. Дижитал лойиҳа томони шун, Эрон университетларининг ўқув дастурлари дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари стандартларига мослаштирилган. Шу боис, улар фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш фойдадан холи бўлмайд.

2005 йилдан буён Эрон инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айнан шу йили Инновацион миллий дастур қабул қилинди. Унга қўра, 2025 йилга қадар мамлакат аҳолисининг 30 фоизи инновацион иқтисодиёт билан банд бўлиши режалаштирилган. Эронда давлат инновацион агентлиги ташкил этилган. Хукумат 2025 йилга қадар янги ички маҳсулотнинг 4 фоизини инновацияларга йўналтиришни режалаштирган. Эроннинг Инновацион ривожланиш стратегиясига мувофиқ, мамлакатда инновацион иқтисодиётни яратиш мақсадида илмий тадқиқотларга катта эътибор берилляпти. Ушбу стратегия доирасида илм-фандаги салоҳиятни ошириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жаҳон илмий ҳамжамиятига интеграциялашув кўзда тутилган. Таълим сифатини мунтазам ошириб бориш давлат стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис, олий таълим соҳасига давлат катта миқдорда маблағ ажратаяди. Эрон технопarki имкониятлари орқали хорижий етакчи олимлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот лабораториялари, шунингдек, кўлаб инновацион илмий-технологик ривожланиш марказлари ташкил этилган. Уларда асосан, газ санаяти, табиий фанлар, ахборот технологиялари соҳаларидаги илмий ишланмалар амалга оширилмоқда.

Йирик газ-нефть захираларидан тушадиган миллий даромад ҳам илмий тадқиқотларни ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Бу эса, олий таълим тизими ва илмий тадқиқот фаолиятини ҳамда инновацион сифатни тобора ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Мамлакатда инновацион стартап лойиҳаларга молиявий ва технология кўмак бериш тизими йўлга қўйилган. Ёш тадбиркорлар ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур ресурслар ва грантга эга бўлиши мумкин. Шу тариқа олий таълим ва инновацион ривожланиш соҳасида муҳим ютуқларга эришаётгани барқарор тараққиётга хизмат қилмоқда.

Техрон ва Исфохондаги технопarkлар энг йирикларига ҳисобланади. Бу соҳадаги сўнгги илмий ютуқлар урганилиб, амалиётга таъбиқ этилмоқда. Шунингдек, робототехника ва сўнғий интеллект соҳасида тадқиқотлар олиб бориляпти. Эрон технопarkларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича стартап лойиҳалар кўлаб-қувватланмоқда. Рақамли таълим платформасини яратиш бўйича илмий лойиҳалар амалга оширилиб, маълумотларни тахлил қилишнинг инновацион усуллари яратилмоқда. Мазкур илмий тадқиқотлар натижалари амалиётга кенг жорий этилиши асосида лойиҳаларни тижориллаштиришга эришилмоқда.

Эрон инновацион салоҳиятини оширишга интилоқда ва бу борада муайян ютуқлар кўлга қиритилган. Хукумат томонидан илмий-тадқиқот институтларини молиявий кўлаб-қувватлаш кучайган, таълим тизимида асосан, аниқ фанлар, замонавий технологиялар, муҳандислик иши ва математика соҳаларига эътибор қаратилган, мактабларда робототехника ва дастурлашга оид дарслар жорий этилган. Давлат илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлири хузурида 60 дан зиёд технопark ташкил этилган. Олий таълимда технопarkлар ташкил этилиб, талабаларнинг илмий лойиҳалари кўлаб-қувватланаётгани боис, уларда инновацион стартаплар шаклланимоқда. Иқтидорли талабаларга грантлар ажратилаётгани, хусусий секторга инновацияларни рағбатлантирувчи имтиёзлар берилаётгани ҳам эътиборга молик.

Умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун интернет ва компьютер технологияларини ўзлаштириш дастурлари жорий қилинган. Ҳозир 7000 дан ортиқ IT мутахассиси тайёрланмоқда, улар сони йил сайин ортиб бормоқда. Техронда Пардаси технопarki мамлакатнинг IT соҳасидаги энг йирик технопarkларидан бўлиб, у ерда 500 дан зиёд компания жойлашган. Бугунги кунда Шариф технологиялар университети Осмийн IT соҳасида фаолият юритувчи энг яхши техника олий таълим муассасаларидан биридир.

Тошкент давлат шарқшунослик университети дунё олий таълим муассасалари халқаро рейтингда юқори ўринларини эгаллаб келаётган Техрон университети ва Аллома Табатабойи университети билан академик алмасув ва илмий тадқиқотлар соҳасида яқин ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида 2023 йил июнь ойида университетимизнинг бир гуруҳ ўқитувчилари мазкур олий таълим муассасаларида малака ошириб қайтди.



майдаги “ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият курсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижро интизоми мустақамлаш бўйича ягона ва узлуксиз технологик занжирни ташкил қилиш учун кўплаб имконият яратди. Хусусан, 2021 йил 1 майдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижро интизоми назорат қилиш фақат “ijro.gov.uz” тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, ижро интизоми таъминлашнинг асқича тартиби, яъни назорат картотекалари ва ҳисоботлар шакллантиришнинг қоғоз шаклидан электрон шаклда юритиш тизимига ўтилди.

лий маълумотларни институт ректорига мунтазам тақдим этиб боради. Бўлим бошлиғи, бош мутахассис ва инспектор лавозимидаги мутахассислар орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро этилиши ҳолати ўрганиб бориляпти.

Ҳар ойдаги кенгаш кун тартибининг биринчи масаласи институтда ижро интизоми ва ички тартиб-қоидаларга риоя этишга бағишланиб, ректор томонидан институтда ўтган ой бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати танқидий тахлил этиб борилади. Шунингдек, “ijro.gov.uz” тизими орқали Олий таълим, фан ва инновациялар ва ҳисоботлар шакллантиришнинг қоғоз шаклидан электрон шаклда юритиш тизимига ўтилди.

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

ЎҚУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАГАН МАҲСУЛОТЛАР САВДОГА ЧИҚАРИЛДИ

Малика жажжи қизалоқлигидан қўлига игна олиб, кўғирчоқларига бирор кийим тикишни яхши кўради. Ўз билганича ҳаракат қилиб, хушбичим кичик либослар тикар, меҳнати маҳсулидан завқ оларди. Унинг бу интилишларини кузатган оиласидagiлар келгусида чевар бўлишини тахмин қиларди. Гарчи тиккан кийимлари унчалик ўхшамаса-да, уни рағбатлантириб, далда бериб кўради.



логия фани ўқувчиси Гулноза Исаҳўжаева. — Ҳозир бизга ажратилган матолардан оддий усулларда тикиладиган буюмлар тайёрлаб, сотишга чиқардик. Мисол учун, дастурхон тикиб, буюртма асосида харидорга етказиб бериляпти. Бундан тушган даромадга яна мато олиб, мукамилроқ дизайнда тикишга ўтляпти. Ўз маҳсулоти харидорлигини кўрган қизларимиз хунара янада қизиқиб бормоқда.

техника ишларини ўрганиш учун шароит етарли. Ўрганганим ҳозирданоқ ҳаётда қўл келмоқда. Яқинда уйдаги носоз сантехникани ўзим таъмирладим. Уйдагилар ҳам хурсанд бўлди.

Технология фани ўқувчисининг айтишича, бу хунарни эгаллашни истовчи болалар кўчилади.

Билим маскани янги қиёфада

“Уйдаги жиҳозларни ўзим тутадим”

Мактабдаги чилангарлик ва сантехника йўналишлари бўйича ташкил этилган ўқув машғулотларига, асосан, ўғил болалар қатнашади. Ҳозир юқори синфнинг 20 нафардан ортиқ ўқувчилари бу хунари сирларини ўрганиляпти. Рустам Мажитов устозлигида ҳафтада икки марта ташкил этилаётган ўқув машғулотларида иштирок этаётган ёшларнинг қизиқиши юқори.

— Сантехника устозлигига қизиқардим, — дейди 10-синф ўқувчиси Зафар Зоиров. — Мактабимизда бу қасбга ўргатиш бошлангач, биринчилар қаторида ҳам қатнаш бошладим. Устахонамизда сан-

10-мактаб Қарши шаҳри марказида жойлашган бўлса-да, шу пайтга қадар анчагина эътибордан четда эди. Билим масканининг ўқув биноси қурилганига 60 йилдан ошганлиги қалаб анчагина таъмирталаб ахволга келиб қолган, қишнинг ёғин-сочинли кунларида томондан чакки утарди. Бугун эса ҳолат умуман бошқача. Шаҳардаги энг фазол мактаблар ҳақида сўз кетса, биринчилар қаторида 10-мактаб тилга олинади.

— Утган йили биз учун жуда катта янгилик бўлди, — дейди мактаб директори Элмира Хасанова. — Каттагина бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, таълим масканимиз бутунлай янги қиёфага кирди. Давлат дастури асосида 11 миллирдан сўмдан ортиқ

маблағ ажратилиб, 660 ўринли ўқув биноси қурилди ҳамда мавжуд иншоотларимиз мукамал таъмирдан чиқарилди. Ўқув ва лаборатория хоналаримиз, спорт залимиз тўлиқ янгидан жиҳозланди. Хоналар ёғув ва шинам хоплатга келтирилди. Шу пайтгача шаҳар мактаби дейишга хижолат бўлардик, бирор киши фаолиятимиз билан танишмоқчи бўлса, ичкарига олиб киришга тортиниб турардик. Ўқув қуролларимиз, синф жиҳозлари анча эскириб қолганди. Бугун эса мақтанса арзирли хоплатга келди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 28 февралдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил бошидан қўшимча бир миллирдан сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, ўқувчилар касб-хунари ағдалаши учун устахоналар қурилди. Натижада 11 турдаги йўналиш бўйича ўқув машғулот хоналари жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозир 10-синф ўқувчилари хоҳишларига қараб ўқув машғулотларига жалб этилган. Жумладан, автомобилларга техника хизмат курсатиш, чилангарлик, сантехника, ўғил болалар сартароши, қизлар сартароши, тикувчилик, бисер тўқиш, пазандалик, IT технология каби касб-хунарилар ўргатилмоқда.

Жорий ўқув йилидан касб-хунарига йўналтириш борасида Қарши шаҳрида намуна сифатида танлаб олинган ушбу мактабда қилинган ҳаракатлар бесамав кетмаётганини ёшларнинг қизиқиш билан хунари бўлаётганидан ҳам аниқлаш мумкин. Демак, синов жараёнларидан яхши ўтгач, ушбу лойиҳалар бошқа мактабларда ҳам жорий этилади.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

ИЛИҚ СЎЗИМИЗ ВА МЕХР-МУҲАББАТИМИЗ БИЛАН ХАЙРИХОҲ БЎЛАЙЛИК

Навоий ТИЛИНИНГ ҚУДРАТИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессияси минбаридида ўзбек тилида нутқ сўзлаши бежиз эмас. Тилимизнинг кадр-қимматини жаҳон ҳамжамияти олдида баланд кўтариб, ўз халқи ва ватанига бўлган бекиёс меҳр-муҳаббатининг амалдаги ёрқин ифодаси эди бу.

Нуриддин ОЧИЛОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Бошланғич 1-бетда



Бундай бахтиёрлик юртдошларимиз чехраларида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганда ва асрий орзумиз ушалай, мустақиллигимиз эълон қилинганда бутун кўрki, гўзаллиги жозибаси билан намён бўлгани кегадеқ ёдимда. Ушанда юрак-юрақдан қанчалар қувонган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг БМТ минбаридан ўзбек тилида баралла сўзлаганини эшита туриб, дилимизни яна ушандай ёниқ туйғулар чулғади. Ахир она тилимиз ўша лаҳзаларнинг ўзидеқ не-не саҳролар, не-не тоғлар, не-не денгизлару океанлар, не-не мамлакатлар оша қадим ва буюк миллатимизу жонажон Ўзбекистонимиз овози бўлиб оламаро янграйди-ю, қувонаймизми?!

Дарвоқе, БМТ минбаридан янграган тилимиз фақат бизнигина севинтирди-ми? Йўқ! Бу шоду хуррамлигимизга дунёнинг ўзбек тилида гаплашадиган эллик миллионга яқин аҳолисигина эмас, бутун муслулмон олами шерик бўлиб, муборакбод этганини зўр мамунчиёт ила айтмасдан бўлури-ми? Йўқ! Мана сизга Алишер Навоий бобомиз тилининг қудрати, ўзига миллионларни оҳанрабодек тортиши, мафтун этиши, ўзбекининг ўзини, ўзлигини бўйи-баста ила ёрқин курастатиши. Президентимиз нутқини БМТ залида ўтирган казо-казо давлатлар раҳбарлари диққат билан эшитиб, олқишлаганининг ҳам шохиди бўлди. Бу ҳеч бир шубҳасизки, ташки дунёнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини оширибгина қолмай, ўзаро манфаатли дўстлик ва ҳамкорлик уфқларини янада кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессияси минбаридида ўзбек тилида нутқ сўзлаши бежиз эмас. Тилимизнинг кадр-қимматини жаҳон ҳамжамияти олдида баланд кўтариб, ўз халқи ва ватанига бўлган бекиёс меҳр-муҳаббатининг амалдаги ёрқин ифодаси эди бу.

Давлатлар раҳбарларининг эътиборини тортган тақдирлардан бири Президентимизнинг сайёрамизни келгуси авлодларга қандай ҳолда қолдиради деган фикри бўлди: "Мустаҳкам тинчлик ва фаровонликка фақат умумий интилишлар ва биргалликдаги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур". Ҳақ гап. Ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик чуқур илдиш отган илдиш тинчлик ва тараққиёт бўлади. Одамлар ҳалол меҳнат меваидан баҳраманд бўлиб, аҳил ва бахтли ҳаёт кечирадилар. Бу нутқ қадимизни ҳам, қадримизни ҳам янада баланд қилиш баробарида барчамизнинг зиммамизга ўзбек тилида тиниқ ва раво сўзлаш ҳамда ёзишдек шарафли вазифани юклаганини ҳам унутмаслигимиз керак!

Ҳамиша ва ҳамма жойда ўз она тилимизда раво гапиришни, унинг нималарга қодирлигини намён этишда давлатимиз раҳбаридан ибрат олиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоқчи лозим.

Тўғри, ҳар ким ўз тилида ва шевада сўзлашга ҳақли. Бунга қонун монелик қилмайди. Лекин давлат идораларида ўзбек тилида иш юритиш, яъни гапириш ва ёзиш қонун талаби. Ёдингизда бўлса, давлат ташкилотларида ишлайдиган бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганишлари учун мuddат белгиланган эди. Афсуски, бу мuddат аллақачон ўтиб бўлди. Ҳеч ким эътибор бермагани учунми, давлат ташкилотларининг айримларида давлат тили бир четда қолиб, яна аввалгидай иш юритилмоқда. Давлат тилида гапиришни, ёзишни билмайдиган раҳбар ва мутахассисларга бу уят эмасми? Қатор-қатор вазириқлар, ташкилот ва олий ўқув юртиларида ўзбек тилида иш юритиш бўйича тайинланган масъулларнинг бошқа соҳадан номинга қўйилгани эки шундай

тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўрганишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида раво ўқийдиган, раво ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин".

Бу гаплар ҳар бир оиланинг, ҳар бир ота-онанинг, ҳар бир таълим муассасасидаги раҳбар ва ўқитувчининг доимий диққат-эътиборида бўлиши, фаолиятининг мазмунига айланиши шартлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки бу долзарб масалага эртани ўйлашдан юзаки қараётганимиз фарзандларимизнинг ўз фикрини ўзбек тилида раво ифода этолмаслиги ва ёзолмаслигида яққол кўринмоқда.

Ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини, айниқса, бадиий адабиёт мутлоасига меҳр-муҳаббатини ошириш борасида Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарор, шунингдек, "Адиблар хиббони"нинг тантанали очилиш маросимида билдирган дастурий фикрлари ўзбек тилини чуқур ўрганиш ва қонун ижросини тўла таъминлаш ҳақидаги даъват эмасиди?! Богдаги буюк мутафаккирлар, шоир, ёзувчи ва олимлар ҳаёти ва ижодини ўқиб ўрганиш ва кен тарғиб қилиш мақсадида ҳукуматимиз қарори асосида пойтахтдаги йигирма тўртта олий ўқув юртига уларнинг бириктирилиши-чи?!

Бу тарихий қарор талаба ёшлар ўртасида китобхонлиқни қучайтириш, Алишер Навоийдан Абдулла Ориповгача, Абдулла Қаҳҳордан Уткир Хошимовгача, Абдурауф Фитратдан Озод Шарофиддиновгача бўлган адабиётимиз даргаларининг асарларини ўқиб-ўрганиш орқали она тилимиз нуфузини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган эмасиди?! Утган уч йилда ким нима иш қилди? Қандай ибратли ишларни амалга оширди? Олий ўқув юртилари талабаларининг бу ердаги ҳафталик ташрифи адабиёт байрамига айланиб, уларнинг ҳақиқий китобхон ва ўзбек тилининг жонқури эканлиқларини намён



ёзилган гирт мантисиз номларини бирма-бир айтишнинг фойдаси бормикан? Интернет сайтларидаги ў эки бу воқеага билдирилган муносабатларни ўқиб, қуйишнинг ҳам, қулишнинг ҳам билмайсан кини. Тўғри ёзилган жумланинг ўзи йўқ. Бунинг устига мантисиз. Бу чаласаводликдан дарак бермайдими?! Яхшиямки, бу шармандали хоплатни ўзбекдан бошқа биров ўқимайди, ўқимасин ҳам!

Бир вақтлар юртимизда фаолият кўрсатган Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчиси Далил Мехтанинг рафиқаси она тилимизга астойдил меҳр қўйиб, уни яхшигина ўрганган, ёзувчи, шоир, олим ва санъаткорлар билан дўст тутиниб, улар билан тез-тез учрашиб, ўзбек тилида ўқиган китоблари ҳақида мароқли суҳбатлар қуради.

Афсуски, баъзан тўрт қаторлик аризани эплаб ёза олмаган ёшларимизга дуч келганида ўша хинд аёли ёдинга тушиб, ўз она тилини пухта ва пишик билишни хаёлига ҳам келтирмаётган қордошларимиздан қўнглинг оғримай қолмайди. БМТ минбаридида маърузада таъкидланганидек: "Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан синдириши мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек

этиптими? Ёки ў ҳафтадан бу ҳафтада йигирма-ўтти талабани "Адиблар хиббони" га олиб бориб, (олий ўқув юртиларининг ҳаммаси эмас) бириктирилган адиб хайкали олдида хўжақўрсинга тadbир ўтказиб қайтиш билан мақсадга эришялми? Президентимиз топшириқларини ва ҳукумат қарори ижросини ҳаётга татбиқ этишга сидиқдидан киришмас эканми, жуда узоқ йўли юришимизга тўғри келади. Хуллас, ўз тилини севаманг, унинг қадрини билмаган киши ўзга тилларни сева олмайди ва қадрини ҳам билмайди. Буюк адиб Абдулла Қаҳҳор ўз она тилини севаганида, сўз зарғари деган номга муносиб кўрилармиди? Гўзал ва бетакорор хикоялар ёзиб, жаҳоннинг машҳур ёзувчилари қаторидан ўрин олармиди?! "Она тилимизни севаманг, сўзларига маҳлиё бўлмасанг, хайратланмасанг, менга ширлик қайда эди", деган севишли шoirимиз Эркин Воҳидов гўзал шеърлар, гўзал гаплар битарибди?! Бу мисоллар она тилимизнинг нақадар бойлигини, нақадар гўзаллигини, нақадар жозибали ва қудратли эканини аңлатмайди? Аңлатмайди! Аңлатибгина қолмай, ҳар биримизни ҳамма жойда ўзбек эканимиз билан, ўзбек тилида бевуқс гапиришга ундаши билан ҳақли равишда фахрланмишга ҳам чорлаб турибди.

Ўқувчилик кезларимизда барча фанлардан синфларо мушоиралар бўларди. Мушоирага тайёрланиш, бошқа синфлар бу борада нималар қилаётганини змидан кузатиш, айниқса, ғолиблик завқи мактабга, синфдошларимизга янада яқинлаштирарди бизни.

Ҳаммадан ҳам она тили ва адабиёт фанларидан бўладиган мушоираларга жону дилимиз билан қатнашардик. Деворий газеталар, иншолар танловида ғолиб бўлиш учун бор кучимизни ишга солардик. Эга, кесим, феъл, умуман, сўз туркумларини тавсифловчи шеърлар ёзиб ёллардик. Улаштириши паст бўлган синфдошимиз ҳам мустақил тарзда иншо учун лоақал содда режа тузишни билган. Аълочилар-ку мураккаб режа тузиб, дафтарни тўлатиб иншо ёзарди. Шунинг учунми, ҳозир ҳам иншо деганда, аввало,

турли луғатларимиз, туркий тиллар этимологик луғатлари, қардош туркий тиллар луғатлари, миллий энциклопедия, википедиядан кенг фойдаланиб, керакли маълумотлар, мақолалар жойлай бошладим.

Қаҳрамонимиз мавзуларни танлашда асосан, ўз тажрибасидан келиб чиқади. Чунки муаммонинг ечимига қачонки унга дуч келганимизда, аникроги, амалиётда эҳтиёж сезилади. Табиийки бир инсон дуч келган муаммолар бошқаларда ҳам учрайди.



инга тизилган маржондек текис ва гўзал ҳуснихат келади кўз олдимизга. Афсуски, кейинги пайтда дафтар тўлиб ёзилган иншолар жуда кам. Нарй бора, 2-3 қорғоз, ҳатто бир қорғоз иншо ёзадиган, режа тузишни билмайдиганлар талайгина. Энг ачинарлиси, аксарияти озғани нутқда қандай гапирса, ёзувда ҳам шуни акс эттиради. Буларнинг бари тилини билишга, саводхонлик даражасига тақалади.

Бугун таълим муассасаларимизда тил байрамларини катта тadbорик билан ўтказялми, тилимиз асосларини бўлган буюк аждошларимиз билан кўкрак кериб фахрланялми-у, ўзимизнинг тилини билиш даражамизни ошириш ҳақида жиддий ўйламаялми. Бир сўзни ҳар хил қўришида ёзаётган, ҳатто ўзимизча қандай яратиб олаётган ҳолатларимиз бор. Изоҳли луғатларни камдан-кам одам эринмай ва рақлаб чиқади, энциклопедия борасида ҳам шундай. Ижтимоий тармоқлардаги илмовий хатоларни айтмас ҳам бўлади, жуда ачинарли. Гапирилавериб оддий ҳолга айланиб кетган хатolikларни ҳар доим техникга боғлаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Ҳайриятки, бу масалага бефарқ бўлмаганлар тарозининг бир палласини тўтиб турибди.

Онлайн савдо қилинадиган бир телеграм каналида мижоз сотувчига қарата "сиздан ҳеч нарса олмайман, жуда хато ёзаркансиз" деб ёзганини кўриб, "қойил-эй", дедим. Ахир хато ёзишнинг ижтимоий тармоқда ҳеч қандай аҳамияти йўқ дейдиган қатлам шаклланиб қолган бир пайтда бундан қувонмай бўладими? Бехитиёр "баракалла", дегинг келади.

Телеграм ижтимоий тармоғи, Ёшлар ишлари агентлигининг махсус лойиҳасида маълум маънода саводхонлик даражамизни оширишга ҳаракат қилаётган журналист, муҳаррир Ориф Тolibни кўччилик танимас. Айни пайтда унинг телеграм каналлида етти миндан зиёд обуначиси бор. Танқиқли телеграм каналлари билан қиёслаганда бу унчалик катта эмас, албатта. Бироқ етти миндан зиёд обуначи ўз савод даражамизни оширишга интилиб, канални тарқ этмаётгани қувонарли. Обуначилар сонининг сўнғий тарзда оширилмаётганини постларга билдирилганда изохлардан ҳам билиш мумкин. Зеро, улардан каналдаги мавзуларнинг ғоят ўринли танланаётгани айтилиб, эндиликда яна нималарга эътибор қаратиш юзасидан тақлифлар билдирилади.

— Дастлаб каналга ўзимнинг ижодий ишларимнигина жойлардим, шунинг учунми, фаоллик сезилмаган. Кейин одамларга фойдала бўлган нарсаларни беришим керак, ўзим билган маълумотларни бошқаларга ҳам раво қўришим мутахассис сифатида бурчим, деб ўйладим, — дея гап бошлади Ориф Тolib. — Ана шундан сўнг ўзимизнинг



Бу бўйича кенг қўламли, тизимли ишлар олиб борилмас экан, қутилган натижага эрилиши амримаҳол.

Маълумки, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ёшларга чет тилларни ўргатиш мақсадида "Ибрат фарзандлари" лойиҳаси йўлга қўйилди. Ориф Тolib бу лойиҳага тақлиф қилинмасидан аввал ўзбек тили йўналишида шундай бир лойиҳа ташкил этишни режа қилган аслида. Мақсад — ёшларнинг саводхонлик даражамизни оширишга ҳисса қўшиш эди. Саводхонлик дарслари учун 60 га яқин мавзунини ўзини ўзи белгилаб олган. Биринчи навбатда, имло қоидаларига мавжуд бўлган, одамлар кўп адашадиган, кўп қиналадиган жиҳатларни аниқлаб олди. Имло қоидаларида бор, лекин кўпчилик билмайдиган ёки фойдаланишда чалқашликларга дуч келадиган айна жиҳатларга оиднинг киритиш билан у қўлларини дилидангина топа бошлади. Қолаверса, эндиликда ўқувчиларнинг ўзлари саволлар йўллайди. Саводхонлик дарсларини чет элдан туриб ўрганиб, миннатдорлик билдираётганлар ҳам анчагина.

Ориф Тolib фаолиятида яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш жоизки, унинг сабоқлари, жойлаётган мақолаларидан шевалар ҳам кенг ўрин эгаллайди. Унинг ўзи айтиб ўтганидек, шевалар тилини бойитадиган манбалардан бири. Бу борада муҳаррир яна шуларни қўшимча қилди.

— Шевалардан фойдаланиш керак албатта, лекин меъёрдан ошмаган ҳолда. Айримлар асарларидан шеваларни қўлаш орқали тилини бойитаман деб ўйлайди, лекин ёзганини тушуниб бўлмай қолади. Шу маънода меъёр керак. 2-3 тадан шева сўз киритилиб, оммалашиб, шу тилга сингса ҳам катта гап аслида. Адабий тилида йўқ бўлган кўп тушунчаларга от тўйиш мумкин. Масалан, сўнғи йилларда тилимизнинг тўрига чиқиб, қордона қуриб олган бодикамера, ҳештег, штандарт, тютюр, вакцинация, фрилансер, челленж, флешуп, стартап, инттерфейс, кош, инфлюэнсер, ишж, мессенжер, кешбек сингари сўзларни бемалол ўзбекчалаштиришимиз мумкин эди. Бунинг ўрнига чет сўзлар, атамалар тилимизга пайдар-пай, хоҳлаган шакли ва ҳолатида кириб келяпти ва кумга сингандек сингиб кетаяпти. Масалан яна бир томон бор: бу ҳаракатни жамият қандай қабул қилади? Ўз сўзимиз ўзимизда киноя эки мазаҳ хиссини уйғотмайди, ўзбекчалашган атамани онг ва қалбимиз қабул қила оладими?

Кўплаб нодир, соф ўзбекча сўзлар шеваларда етибди. Масалан, "обкаш" сўзини олайлик. Форсчада "об" — сув, "каш" тортоқ, яъни сув кўтариш деган маънони билдиради. Бир обуначининг ёзишича, айни сўз Хоразм шеvasида бор экан. Аслида, ўзбек тилида бу сўз "иноғоч" дейиларкан. "Йилин" — елка, "огоч" — ёғоч. Елгага ташланган ёғоч. Қаранг, жуда чиroyли, соф ўзбекча сўз. Афсуски, бу адабий тилга кирмаган. Шунга ўхшаган сўзларимиз жуда кўп. Уларни оммалаштириш керак. Ҳаракат қилсак, тилимизни янада бойитиш учун имкони бор.

Бугун миллат ори, гурури учун ҳар қачонгидан қучлироқ курашадиган пайт келди. Тилимиз ҳимояси учун қуролланган, бу борада бўлиши мумкин хуружларга тайёр турганларга эргашайлик. Лоақал илқ сўзимиз, меҳру муҳаббатимиз билан уларга хайрихоҳ эканимизни билдириб турайлик!

Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти" ДУК

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046. 43312 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоcи келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова Мусаххўш: Шерзод Махмудов Дизайнер: Хуршид Абдуллаев